БУХОРОДА ТЕАТР САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИ

Мурод Рустамович ШОКИРОВ
ўқитувчи
Бухоро давлат университети
Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақолада Бухорода профессионал театрнинг вужудга келиши, актёрлар жамоасининг шаклланиши, ижро этилган спектакллар ва уларда илгари сурилган ғоялар, туманларда халқ театрларининг шаклланиши, вилоят театрининг ривожланиш босқичлари таҳлил қилиниб, ҳукуматимизнинг театр соҳасига эътибори кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўзлар: театр, труппа, халқ театри, репертуар, драма, маърифат, қўғирчоқ театри, реалистик ижро.

РАЗВИТИЕ ТЕАТРАЛЬНОГО ИСКУССТВА В БУХАРЕ

Мурод Рустамович ШОКИРОВ
Преподаватель
Бухарский Государственный Университет
Бухара, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируется становление профессионального театра в Бухаре, формирование коллектива актеров, исполненные спектакли и выдвигнутые в них идеи, становление народных театров в районах, этапы развития регионального театра и внимание нашего правительства к театральной отрасли.

Ключевые слова: театр, труппы, народный театр, репертуар, драма, просвещение, кукольный театр, реалистичное исполнение.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусда ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, истеъдодинини юзага чиқариш алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Қачонки миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган театр санъати хусусида сўз борар экан, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Театр – бу ибратхонадир”, деган фикрини эслаш ўринлидир”, деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, тарихнинг барча даврларида санъат соҳалари жамият тараққиёти ва унинг ривожига ўз таъсирини ўтказиб келган. Бизнинг миллий театр саньатимиз тарихан жуда катта йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг қадимий илдизлари халқ ўйин ва томошаларига бориб тақалади. Халқ сайилларида бозор майдонларида сайёр цирк санъати гуруҳлари ҳам ўз томошаларини кўрсатишар, улар шўх ашулалар, шеърлар айтиб беришар эди. Ҳар йили баҳорда шаҳар ва қишлоқлар чеккаларида халқ йиғилиб, лола гули байрамига бағишланган сайилларни ўтказганлар. У ерларда новвойхоналар, чойхоналар, қандолатфурушлар расталари, миллий таомлар тайёрловчи ошхоналар очилар, ҳофизлар қўшиқ куйлар, маддоҳлар диний қиссаларни айтиб берар, муғаннийлар мусиқа чалар, кўзбойлоғичлар, дорбозлар, ҳуққабозлар (жонгиёрлар), ҳайвон ўргатувчилар, қўғирчоқ театрлари томоша кўрсатар, қизиқчилар кулгили қисқа томошаларни намойиш этар, сўз ўйини устаси бўлмиш аскиячилар эса даврани қиздирар эдилар.

Манбалардан маълумки 1870 йил Туркистон генерал-губернатори томонидан таклиф қилинган Самара театри ўлкада бир неча кунлик дастурларини намойиш этган эди. 1910 йилда Самарқанд ва Тошкентга рус актрисаси В.Ф.Комиссаржевская труппа (театр ёки цирк артистлари жамоаси)си гастроллари уюштирилди. Татар ва озарбайжон труппаларининг 1910-1912 йилларда Туркистонда бўлиб ўтган гастроллари ҳам катта маданий воқеага айланди. У.Гажибековнинг “Гўрўғли”, “Лайли ва Мажнун” ва “Аршин мололон” мусиқали песалари ўзбек жамоатчилиги орасида илиқ кутиб олинди. Бу ўз навбатида маҳаллий театр ривожланишига ҳам катта таьсир кўрсатди.

XIX асрда жадид намоёндалари ўлкада ёшларни тарбиялаш, халқни маърифатли қилиш, унга яқинлашиш, ислоҳотчилик ва мустақиллик ғояларини сингдиришда театрга алоҳида эьтибор берганлар. Жадидлар халққа яқинлашишнинг энг самарали йўли сифатида халқ миллий театрини яратишди. 1911-1913 йилларда Туркистоннинг турли шаҳарларида театрлар ташкил этилди. Театр санъати ёшларни тарбиялашдан ташқари жамият

ҳаётида муҳим ўрин тутган санъат турларидан бири бўлиб келган. Унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат, рақс, меъморчилик ажралмас бирликни ташкил этади.

Турон ўлкасида театр милоддан аввалги V асрдаёқ жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган. XVIII аср охири XIX аср бошларида театрнинг асосий турлари шаклланиб, репертуарлар ва ижро услубида ўзига хос хусусиятлар ривожланди. Қадимий санъат турларидан энг севимлиси ҳисобланган халқ театрининг Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида ўзига хос кўринишлари мавжуд эди. Жумладан, Бухоро амирлигида масхарабоз, қўғирчоқбоз, раққос каби санъат йўналишларининг уюшмалари вужудга келган эди. Кўпроқ бу томошалар долзарб воқеалар тасвирланган сатирик кўринишлардан иборат бўлган. Гарчи уларда ёзма пъесалар бўлмасада, халқ оғзаки ижоди маҳсули сифатида ёд олинган мавзулар саҳналаштирилган. Саҳна асарларини, одатда, санъаткорларнинг ўзлари ижод қилишган. XIX асрнинг иккинчи ярмида бир нечта шаҳарларда аньанавий театр уюшмалари вужудга келди. Энг машҳурлари Қўқонда Зокир эшон, Бухорода Тўла масхара уюшмалари эди. Айниқса, қўғирчоқ театрлари оммабоп бўлиб, улар мавзуси марказида Качал Полвон образи турган [1].

Шу билан биргаликда ўлкада жадид театрлари ҳам фаолият кўрсата бошлади. Жадид театрининг бошланиши Маҳмудхўжа Беҳбудий номи билан боғлиқ. 1911 йил М.Беҳбудий биринчи ўзбек драмаси “Падаркуш”ни ёзди. Уч парда 4 манзарали бу асар мазмунан содда бўлиб, ўқимаган, жоҳил ва нодон боланинг ўз отасини ўлдиргани ҳақида эди. Нашр қилишга чор цензураси йўл қўймайди. “Бородино жанги ва Русиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг 100 йиллик юбилейи санасига бағишланади” деган важ билан Тифлис (Тибилиси) цензурасидан ўтказади. Драма 1913 йилда босилиб чиққан. 1914 йил 15 январда Самарқандда, 27 февралда Тошкентда “Падаркуш” драмасини саҳналаштириш билан янги ўзбек театри ўз фаолиятини бошлади. Буни замонавий профессионал театр даврининг бошланиши дейиш мумкин.

Абдурауф Фитрат театрга тарбия минбари сифатида қараб, 1914 йиллари Бухорода ҳаваскорлик ишларини йўлга қўйишга қатнашади, ўзи ҳам роллар ўйнайди. Унинг драматик шаклда ёзилган “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухоролик бир мударриснинг мунозараси” деган биринчи асари 1913 йил Маҳмудхўжа Беҳбудий сўз бошиси билан алоҳида китоб тарзда чоп этилади. У Маннон Уйғур билан ҳамкорликда 1919-1924 йиллари “Темур сағанаси”, “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилофчилари”, “Або Муслим” песаларини яратди.

1920 йил сентябрда Бухорода амирлик тузуми тугатилиб, октябр ойида Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилди. Республикада барча соҳалар қатори замонавий театр очиш масаласи ҳам кун тартибига қўйилган. Бухорода театр 1921 йил Файзулла Хўжаев ташаббуси билан ҳаваскорлар гуруҳи асосида ташкил қилиниб, 1922 йил Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Туҳматчилар жазоси” спектакли билан очилган. 1922 йилда Маннон Уйғур театр ишларини йўлга қўйиш учун Бухорога юборилган. 1923 йилда Маннон Уйғурнинг “Туркистон табиби” спектакли Бухоро театри тарихидаги иккинчи спектакл бўлди. Маннон Уйғур “Абу Муслим”, “Ҳалима” асарларини саҳналаштириб, бухоролик ҳаваскорларни саҳна қонун қоидаларига ўргатади. Унинг ташаббуси билан Карки шаҳрида биринчи театр труппаси ташкил қилинади. 1923 йили Маннон Уйғур ташаббуси билан Москвадаги Бухоро халқ маорифи уйи қошида ўзбек драма студиясини очишга қарор қилинган. Бухорода театр ташкилотчиси ва бадиий раҳбари Маннон Уйғур бошчилигида фаолият кўрсатган Ҳ.Латипов, Л.Назруллаев, Н.Раҳмонов, Л.Латипов, С.Табибуллаев, Н.Ғаниевлар илк театр актёрлари бўлиб, театр тараққиётига катта ҳисса қўшдилар [2].

1924 йилда Бухоро театрининг бир гуруҳ актёрлари Москвадаги ўзбек драма студиясига ўқишга юборилди. Бухоро театри жамоаси 1930 йилнинг охиригача кичик пьеса ва концерт дастурлари билан кифояланди. Драма студиясини тугатган актёрлар Б.Хўжаев, С.Абдуллаев, А.Олимова, Б.Жамолов, М.Мусаев ва бошқалар 1930 йил ўқишни тамомлаб қайтишгач,

театр том маънода профессионал театр мақомига эга бўлди. Улар саҳналаштирган Д.Фурманов ва С.Поливановнинг “Исён”, Ж.Молернинг "Зўраки табиб", Л.Сайфулинанинг “Қон ва сув” спектакллари театрнинг профессионаллик даражасини янада мустаҳкамлади.

Бухоро театрига 1931 йил Я.Бобожонов бадиий раҳбар, Ш.Шораҳимов эса бош рассом этиб тайинланди. XX аср ўттизинчи йилларнинг ўрталари театр ижодий фаолиятида бурилиш даври бўлди. Реализм услубини чуқур эгаллаш, эришилган ижодий муваффақиятларни мустаҳкамлаш борасида жиддий иш олиб борилди. Шу ижодий жараён давомида ўзбек драматургияси, рус ва чет эл мумтоз асарлари актёрларнинг ижро маҳорати ошиши, театр жамоасининг ўз ижодий йўналишига эга бўлишида муҳим роль ўйнади.

1936 йилдан Бухоро театри “Мусиқали драма театри”га айлантирилди. Шу йилларда театр жамоаси А.Хўжаева, С.Ярашев, А.Охунов, Н.Неъматова, А. Атоев, З. Солиева каби ижодкорлар билан бойиди.

Уруш йиллари ўзбек халқининг мардонавор кураши акс эттирилган асарлар саҳналаштирилган бўлса, тинч қурилиш даврида репертуар мавзу жиҳатдан бойиди. Асосий эътибор даврнинг долзарб муаммоларига қаратилди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ахлоқий ва маънавий гўзаллиги, тинчлик, инсонпарварлик ғояларига интилиш спектаклларда ўз ифодасини топди. 1958 йил Бухоро театрига Садриддин Айний номи берилди.

XX асрнинг 60-70 йилларида Бухоро театри мустақил репертуар яратиш борасидаги ижодий изланишлари ўз самарасини берди ва театр ўз ижодий чўққисига кўтарилди. Саҳнада реалистик ижро асосларини ўрнатишда, ижрочилик санъатини юксак профессионал даражага кўтаришда М.Мусаев, Б.Жамолов, А.Акобиров, Р.Ботиров каби режиссёрларнинг хизматлари катта бўлди. Бухоронинг ўтмиши мавзусига бағишланган спектакллар саҳнага қўйилди.

60 йилдан кўпроқ вақт давомида Бухоро театри саҳнасида Шекспирнинг “Гамлет”, Шиллернинг “Макр ва муҳаббат”, Гоголнинг “Ревизор”, Корнейчукнинг “Қалб хотираси”, Р.Уичковнинг “Мен Чилига

ишонаман”, Ғ.Абдуллонинг “Шарқ садоси”, К.Хоинскийнинг “Тунги қисса”, Соҳиб Жамолнинг “Гули сиёҳ”, М.Бойжиевнинг “Дуэль”, Л.Солдадзенинг “Ибн Сино”, А.Мухторнинг “Самандар”, М.Каримовнинг “Ўн саккиз ёшлигим”, Ў.Умарбековнинг “Аризасига кўра” ва “Комиссия” каби замон талабларига мос асарлари театр репертуарларини безаб келган.

Бухоро театри жамоаси бир неча маротаба қардош Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон Республикаларида, Москва, Ленинград, Симферополь, Керчь, Оренбург, Магнитогорск, Челябинск, Свердловск, Пермь, Олмаота, Актюбинск ва Чимкент каби шаҳарларда муваффақият билан ўтган гастролларда қатнашган [3].

Иккинчи жаҳон урушидан кейин театрлар ихтисослашиб борди. Улар профессионал, ҳаваскорлик ва аниқ бир йўналишдаги (қўғирчоқ, комедия) театрларига ажрала бошлади. Масалан халқ театрлари туманларда ҳам кенг тарқалган эди. Масалан Ғиждувон туман маданият уйи қошида 1920 йилда бадиий ҳаваскорлик театри ташкил топган. 1959 йил театрга “Халқ театри” мақоми берилган. Ташкил топган кунларида театр аьзолари 20 кишидан иборат бўлган. Ушбу туманда маданият уйи қошида 1961 йилда ҳаваскорлик қўғирчоқ театри ташкил топди. Ҳамроев бошчилигида ушбу театрга 1970 йил "Халқ театри” мақоми берилди. Театр қатнашчилари мактаб ўқувчиларидан ташкил топган бўлиб, 26 кишидан иборат эди.

Вобкент туманида маданият уйи қошида 1946 йил ҳаваскорлик театри, ташкил этилиб, 1963-йилда “Халқ театри” мақомини олди.

Қоракўл тумани Октябр колхози клуби қошида 1967 йилда Ҳамро Ражабов ташаббуси билан бадиий ҳаваскорлик театри ташкил топди. 1977 йилда "халқ театри" мақомини олди. Унинг аъзолари 18 киши бўлиб, колхозчи ва мактаб ўқувчиларидан ташкил топган [4].

Бадиий ҳаваскорлик театри қатнашчилари асосан колхозчилар ва мактаб ўқувчиларидан иборат бўлган. Бухоронинг бошқа туманларида ҳам шундай бадиий ҳаваскорлик театри ташкил қилинган. 1982 йилда Бухорода қўғирчоқ театри очилди.

1980 йиллардан бошлаб юксак савияли, бадиий пишиқ ва ғоявий мукаммал спекталлар – “Ўз аризасига кўра”, “Абулфайзхон”, “Бир кам дунё”, “Жаноза ўқилмасин”, “Ибн Сино” ва бошқалар саҳналаштирилди. Тўқсонинчи йиллардан театрга янги кучлар М.Содиқова, С.Зохидова, Б.Болтаев, Ф.Абдуллаев ва бошқалар келиб қўшилди ва ўзлари билан театрга янги ҳаёт нафасини олиб кирдилар. Ш.Нурматовнинг “Уруш”, С.Сирожиддиновнинг “Юрагимни сотаман”, “Соҳибқирон Темур”, Э.Хушвақтовнинг “Чимилдиқ”, Ш.Бошбековнинг “Тентак фаришталар”, Р.Муҳаммаджоновнинг “Давлат болалари”, И.Муқимовнинг «Ҳақрост» каби спектакллари билан театр ўз мавқеини тиклади.

2010 йил 30 август Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Бухоро шаҳрига ташрифи вақтида “Бухоро маданий маркази” мажмуаси очилди. 107 гектардан иборат мазкур мажмуада йирик иншоотлар – 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументи қад ростлади.

Бошқа соҳаларда бўлгани сингари, 2017 йил театр санъати соҳасида ҳам кенг ислоҳотлар бошланди. Энг аввало, 2017-2021йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш белгилаб қўйилди. Маданият муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, маданият ва санъатнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд 37 та театр фаолиятини таъминлаш учун 2017 йилнинг ўзида давлат бюджетидан 81 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Давлат маданият

муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида”ги қарорига кўра, давлат маданият муассасалари артистлари, маьмурий-бошқарув, бадиий-раҳбар, ижодий ва бошқа ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорлари ўртача 45 фоизга оширилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Бухорода дастлаб миллий ҳаваскорлик жамоалари тарзида фаолият кўрсатиб келаётган халқ театрлари XX асрнинг 20 йилларига келиб махсус билим юртларида таълим олган профессионал актёрлар жамоасига эга бўлди. Томошалар учун махсус бинолар қурилди, жаҳон халқлари драматургияси намуналари билан бойитилди. Театр жамоаси ўтмишимиз, миллийлигимиз ва қадриятларимизни улуғловчи асарларни ҳам саҳнага олиб чиқа олди.

Мустақиллик йилларида том маънодаги миллий театр шаклланиб бориши кузатилади. Эндиликда Бухоро театрида ҳам қўпроқ миллий анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар, шу билан бирга терроризм ва фундаментализмга қарши ватанпарварлик ҳамда маърифатпарварлик ғояларига асосланган асарлар кенг ёритила бошлади. Бухоро театрда мустақиллик даврининг ўзига хос бир ёш авлоди бадиий профессионал жиҳатдан шаклланиб бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Алламов А. Театр ҳаёт кўзгуси. – Тошкент: Ўзбекистон 1988. – 24 б.

2. Алламов А. Театр санъатининг ижтимоий қудрати. – Бухоро: Китобхон жамияти, 1991. – 34 б.

3. Раҳмонов М. Фитрат драматургияси ва унинг саҳна тарихи //Санъат, 1991. – №3. – Б. 23-24.

4.Ўзбекистоннинг тарихи: 9 синфлар учун дарслик. //Муаллифлар С.Тиллабоев А.Замонов. – Тошкент: Шарқ, 2019. – 159 б.

5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж.2. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. – 586 б.